Эртага мамлакатимиз, бутун тараққийпарвар инсоният Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини кенг нишонлайди.

Ана шу муносабат билан Улуғ байрам арафасида мухбиримиз инқилобнинг, халқларимиз бошига озодлик, бахт-саодат, дўстлик зиёсини сочган кунларнинг гувоҳи бўлган таниқли ижодкорлар, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари УЙҒУН ва Комил ЯШИН билан учрашиб, улар билан ўша фараҳли дақиқалар, мамлакатимизда кечган инқилобий ўзгаришлар, бугунги қайта қуриш даврида олиб борилаётган ишлар ҳақида суҳбатлашди.

Комил ЯШИН,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони

# ИЛҲОМИ МАНГУ



Бундан етмиш йил аввал Нева соҳилидаги шаҳарда порлаган инқилоб қуёшининг нури фақат Россиянигина эмас, олис-олислардаги эркка ташна ўлкаларни ҳам ёритган, «Аврора»нинг зулм қасрига отган ўқи гулдуроси Туркистонда ҳам эшитилган кунларни, гарчи ёш бўлсам-да, кўра олганим учун толеимдан миннатдорман.

«Подшо қулабди, ҳуррият бўлибди», деган хабарни эшитган оддий меҳнаткашларнинг кўчаларда бир-бирларини табриклаган, хурсандчиликдан митинглар ўтказган, севинчлари ичига сиғмаган кунлари шундоқ кўз ўнгимда. Ахир ўша кунларда инқилоб учун жонини берган андижонлик қаҳрамон революционерлар, кейинчалик асарларим қаҳрамонлари бўлган, Г. Билдин, А. Хўжаев, Қ. Жамилов, М. Алимов, А. Акбаров, А. Ҳусанбоев кабиларни, Турсуной, Нурхонларни, «Ҳужум», коллективлаштириш, маданий революция даврининг фидойиларини, Ватан уруши мардларини унутиб бўлармиди!

Биз Октябрнинг 70 йили ичида қийин ва шарафли йўлни, ҳали тарихда ўтилмаган жараённи босиб ўтдик. Шунинг учун ҳам КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев ҳақли равишда Улуғ Октябрь байрамини фахрланиш, хотира, фикрлаш, келажакка назар мавриди, деб баҳолади. Бунда қилинган ишларгагина эмас, олдимизда турган вазифаларга ҳам эътибор қаратилди. Шулардан бири ёшлар тарбияси — уларга буюк инқилоб тарихий ғояларини теран сингдирмоқ, 70 йил мобайнида олиб борган курашимиз лавҳалари билан чуқур таништириш масаласидир. Бу вазифа, биринчи навбатда, маориф ва маданият ходимлари, ёзувчи ва санъаткорлар зиммасига тушади.

Маълумки, 70 йиллик тарихимизда адабиётимизнинг ҳам ўзига хос муносиб ўрни бор. Шу давр адабиётимиз тарихига назар ташласак, Ленин, инқилоб, халқлар дўстлиги, тинчлик каби мавзулар адабиётимизнинг кредоси бўлиб келганлигини кўрамиз. Ўзбек совет адабиётида Ҳамза, А. Қодирий, С. Айнийдан тортиб то ҳозирги авлодгача бу мавзуларда қалам тебратдилар ва асарлар яратмоқдалар.

Ленин ва инқилоб — бу абадий мавзулардир. Шунинг учун бу темаларга қанча мурожаат қилган сайин унинг янги-янги қирралари намоён бўлаверади. Чунки Улуғ Октябрь ғалабалари йўлида қўлда қурол билан курашган ва меҳнатда ажойиб қаҳрамонликлар кўрсатган инсонларнинг ишлари ҳар қанча мадҳ этишга арзигуликдир. Биринчи навбатда, бу ишларнинг барига бош бўлган улуғ доҳийнинг ўзи, унинг ўлкамизда Совет тузуми тантанаси йўлида жонбозликлар кўрсатган М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишев сингари сафдошлари, большевиклардан С. Қосимхўжаев, Н. Хўжаев, Ф. Хўжаев, О. Бобожонов ва бошқа инқилоб жангчилари ҳақида ажойиб асарлар яратиш ишини сира ҳам кечиктириб бўлмайди. Чунки ўзбек совет адабиётида тарихий-революцион мавзуда яратилган асарлар ҳали ҳам етарли эмас...

Булардан ташқари, ижодкорларимиз олдида классик адабиётимизни чуқур ўрганиш, унинг қоронғу нуқталарини ёритиб бериш, бунинг учун эса адабиётимизни яхши тадқиқ этиш вазифалари турибди. Айни пайтда, мактабларда, ўқув юртларида ёшларимизни бой маданий меросимиз билан яқиндан таништириш учун араб орфографияси асосидаги эски ўзбек тилини ўргатишни йўлга қўйишимиз керак. Бундай проблемалар яна қанча!

Хуллас, Улуғ Октябрнинг байрами мангу давом этадиган байрамдир. У ҳаётимиз сингари мангу ва барқарордир. Биз ҳозирги кунда оқ олтиндан хирмонлар барпо этиш, саноат, илм-фан ва бошқа соҳаларда кўзланган марраларни эгаллаш учун фидокорона меҳнат билан банд эканмиз, Улуғ Октябрнинг ҳаётбахш илҳомини ҳар нафасда сезиб турибмиз!

ЗУЛФИЯ,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони

# ЭРКИМИЗНИ АРДОҚЛАЙЛИК

БИЗ БАЙРАМ КУНЛАРИДА ҳам, бошқа пайтларда ҳам «Улуғ Октябрь социалистик революцияси аёлларимизга эрк берди», деган сўзларни кўп такрорлаймиз. Бу ҳақ такрор. Бугун Октябрь етмиш ёшда! Демак, аёлларимизнинг эркка эришганига ҳам, ҳур, бахт-саодатли бўлганига ҳам етмиш йил бўлдими? Йўқ, мен бу ҳурликнинг бўй-бастини жуда аниқ тасаввур қилиб турибман: у анча қадим... У анча кўргуликлар кўриб, орзу бўлиб, одамлар интилган ёрқин бир дунё бўлиб, жуда олис йўллардан одимлаб келяпти. Аёл тушунчаси инсон тушунчасидан айри эмас: аёл ҳам барча инсонлар янглиғ жуда қадим-қадимлардан эркка ташна бўлиб яшаган. Чунки унинг ҳам қалбида ҳаётнинг беқиёс нақши, эзгу тилаклари, кучли фикрлари, тилида сўзи бўлган. Шу нақши, шу кучи, шу сўзи билан одамлар орасида тўла бир толе билан яшагиси келган ва шундай яшаган аёллар ҳам бор.

Азизлар! Менинг бу гапларим бир қадар ғалатироқ, байрам кунларида айтиладиган гаплардан ўзгачароқ туюлиши мумкин: «Октябрдан олдин-а?» деган ажабланишларга сабаб бўлиши мумкин. Ҳа, олдин! Ўйлаб кўрайлик-чи?

Бизнинг маданий меросимизнинг энг гўзал, ўлмас намуналаридан бўлмиш «Алпомиш»даги Барчиной, «Ойгул билан Бахтиёр»даги Ойгул-чи?.. Ҳамид Олимжоннинг Гулойини-чи? (Мен унинг «Муқанна» драмаси қаҳрамонларидан бирини назарда тутаяпман). Ахир Гулойин ота-бобосидан қолган юртга кўз тикиб келган босқинчиларга қарши курашга қўшилиб, қилич кўтариб жангга кирмайдими? У:

**Шунча йиллар оташгоҳга топиндим**
**Ва билмадим илоҳим ким, тангрим ким.**
**Қайғуси йўқ бирор кунни кўрмадим,**
**Бирор муддат мен бахтиёр бўлмадим.**
**Исинмадим оловига ҳеч қачон,**
**Еримадим, бўлолмадим чароғон.**
**Ўтинидан толеъларим шўр бўлдим,**
**Тутунидан икки кўзи кўр бўлдим.**
**Ихтиёрни берсанг, ота, менга сан,**
**Озодликка топинардим ёлғиз ман, —**

дейди ва ёв тиғидан ҳалок бўлади. Нақадар ишончга, меҳрга, айни пайтда, нафратга тўла оташин жасур овоз бу! Мен худди шу овозда қадим-қадим ҳамжинсларимнинг ҳур қиёфаларини, жасур руҳларини кўраман.

Ахир, инсон маълум чегараларни синдириб, тўсиқларни бузгандагина фавқулодда кучини, истагини намоён эта олади. Бу имон, эътиқод, эркнинг сувратларидир.

Тарих йўлларини одимлаб яқинроққа келаверамиз.

Увайсий! Ўша ақлли, отинча, ўша оташин, ўша нолали шоираи даврон! У гарчи ўз замондошларининг аччиқ қисматлари, бахтсиз ҳаётларининг аянчли манзараларини фарёдли лавҳаларда чизиб:

**Замона кулфатидан бу кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди,**
**Бу чархи бемурувватдин кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди...**
**...Фано мардумларининг сирридан ҳеч кимса йўқ огоҳ,**
**Қабиҳ гуфтор мардумдин кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.**
**Тўлубдур бағрим ичра жон мисоли ғунча, найлармен**
**Очилмай гулсифат ушбу кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди, —**

деб фиғон чекса ҳам, у менга забун, эзилган, заиф кимса бўлиб туюлмайди. Эркка ўта ташналик уни шу сўзларни айта олган дақиқаларда ҳурлантиргандай, жасоратга яқинлаштиргандай!

Бусиз шу қадар кучни шоира қаердан оларди, ахир?!

Нодирабегимнинг кўнгил дафтарини варақлайлик:

**Тиласанг васл, ўт жаҳон ғамидин,**
**На жаҳон, балки жисму жондан кеч...**
**Бордур олам биноси ваҳму гумон,**
**Эй кўнгул, ваҳм ила гумондан кеч.**

Бу сўзларни севиб севилган, муҳаббат, эркка эришган аёлгина битиши мумкин.

Мен «эрк» сўзини қайта-қайта тилга оларканман, бу ўтли сўз ортида жуда кўп сиймолар хаёлимда қад кўтаради:

**Қандай озод этамиз ҳақни,**
**Қандай янги дунё қурамиз.**
**Танитамиз ўзнга халқни?**
**Нима қилсак, синмайди умид.**
**Ортга қайтар бой берилган пайт?!**
**Айт, эрксизлар нима қилсин, айт!?**

Бу украина халқининг фарзанди, хаста жисми билан ўта соғ, ўта умидвор сўзлар айта олган Леся Украинкадир. Бу шоира менинг ёшлигимдан руҳимга йўлдош, аллақачонлар унинг шеърларидан таржималар қилганман, у шу қадар яқинки худди эгачимдай, сирдошимдай, унинг номини бир дарё меҳр ва ифтихор билан тилга оламан.

Мен бу аёлларнинг ҳамма-ҳаммасини ўз даврининг эркин аёллари, деб биламан. Чунки улар ўз имкониятларини, қалбларидаги куч-қудратларини юзага чиқарган аёллар.

Мен ўз яқинларим — шоираларни кўпроқ ёдга олдим. Аслида улар бирмиди, иккимиди? Йўқ, Гулойин ва Гулойимдай («Қирқ қиз» достони) қилич ушлаганлари, Тўмарисдай от миниб тенгсиз, аёвсиз жангга кирганлари қанча? Ҳеч бўлмаса, бешик қучиб айтган аллалари билан озодлик руҳини, эрк туйғусини гўдакларида сут билан сингдирганлари-чи?

Жуфти ҳалолини ёки кўз қораси ўғлини ҳурлик йўлидаги, озодлик йўлидаги, Ватан ҳимояси йўлидаги жангларга пичирлаб дуо ўқиб кузатганлар-чи? Бугунги қадди-басти баланд, улуғвор «Эрк» тушунчаси орқасида мен уларнинг барча-барчасини кўраман...

Айни пайтда, замондошларимнинг улуғвор эрки, бахту саодатини, баркамол сумбатини кўриб, бағрим яйрайди ва Жаҳон отин Увайсийга бағишланган шеъримнинг шу бандларини такрорлагим келади:



СУРАТДА: Зулфия ва ЎзФА мухбир аъзоси Раҳима Аминова

**Аё дўстлар, бу не даврон, кўнгил тоғ ўлди, тоғ ўлди,**
**Асрлик зулм уйи вайрон, кўнгул тоғ ўлди, тоғ ўлди,**
**Улус обод, ҳама шодон, кўнгул тоғ ўлди, тоғ ўлди,**
**Ки ҳайрат ҳам ўзи ҳайрон, кўнгул тоғ ўлди, тоғ ўлди,**
**Бу янглиғ бахт-саодатдан кўнгул тоғ ўлди, тоғ ўлди,**
**Ажаб камёб бу қисматдан кўнгул тоғ ўлди, тоғ ўлди...**

Мен юқорида эрк туйғуси умуман ҳамманинг, шу жумладан, аёлнинг мислсиз имкониятларини юзага чиқаришини айтган эдим. Бугун биз шундай имкониятга эгамиз. Меҳнат қиламиз, ўқиймиз, орзуларимизнинг ҳаммасини рўёбга чиқаришда имконлимиз, энг муҳими тўла, тенг овозли гражданлармиз.

Бугунги кунда кўпмиллатли совет адабиёти майдонида эркаклар билан басма-бас қалам тебратиб, эркинликни тўла намоён этаётган тенгдошларим, қизларим номини фахр билан тилга олишим мумкин эди. Лекин уларнинг ҳаммасини санаб бўлармиди! Чунки улар ҳам, ҳаётимизнинг ҳамма соҳасидаги каби, ўз меҳнатлари, имкониятлари билан номларини нурлантириб, шуҳратлантириб яшамоқдалар...

Лекин эрк, эркинлик ҳақида яна ўйлаб кетаман. Эркни ҳамма вақт ҳам авайлаяпмизми, унинг юзини қизартирмаяпмизми?

Эркни — мутеликка қурбон қилмаяпмизми? Мен жуда кўп аёллар билан ҳамсуҳбат бўламан ва баъзан «Мутеликлар бағрида ҳурлар яшагандай, ҳурликлар, эркинликлар бағрида мутеликлар яшамаяптимикан?» деб ўйлаб қоламан. Балки шодиёна, бундай мўътабар кунларда бу ҳақда фикр юритиш ўринсиздир?

Йўқ, менингча, «эрк» дегани бу соябон эмаски, унинг панасига кириб ёмғирдан паноҳ топса...

Эрк эркинлик дегани, менингча байроқ, у ҳар дақиқа ўзи учун фидойиликни талаб этади. Сингилларимиз, қизларимиздан мактублар оламан. Уларда «Мени севмаган кишимга турмушга беришяпти...» ёхуд «эрим хўрлаяпти», ёки «ўз касбим бўйича иш беришмаяпти...» тарзидаги нолалар бўлади. Мен уларга: «Сингилжонларим, қизларим, ахир мактабда ўқидинг, ҳақ-ҳуқуқингни биласан, олий фармон билан муҳрлаб берилган «Конституциянг бор, қолаверса тилингда сўзинг бор, нега ҳақингни талаб қилмайсан, нима, сени тинглайдиган одам, идоралар йўқми? Бор!» — дегим келади.

Баъзан, рости, шундайларга раҳмим эмас, қаҳрим келади. Ахир, инсоният дунёда энг кучли жонзод-ку. Нега биз ҳамон қизларимизни тобеъ руҳда тарбиялашга интиламиз. Тўғри, мен уларни андишасиз, ўзбилармон қилиб тарбиялаш тарафдори эмасман, аммо журъатли турмушнинг оғир-енгилига ақл-идрок билан дош берадиган, курашиб, ишонтириб, ўз тилагига етиб яшайдиган кишилар бўлиб ҳаётга киришларини истайман.

Мени мутеликнинг яна бир кўриниши қийнайди. Бу ўз ихтиёри билан бўлган мутеликки, бунга зинҳор чидаб бўлмайди. Бу мутелик бойликка ҳирс қўйиб, унга қарам бўлиб қолишлик. Шу бойлик деб инсофни унутиш, инсонни унутиш... Шуҳратга мутелик, мансабга мутелик... Бу қарамликларнинг ҳаммаси аёлга берилган чинакам улкан эркинлик тушунчасини тобора майдалаб, ютиб юборади, соф ҳурлик, кишини ҳамма эзгу ишларга қодир этадиган эркинлик жо бўлган қалбларга лойқа ҳиссиётларни олиб киради, эрк эса кичрайиб, заифлашиб боради. Шундай қилиб, неча юз йиллар орзуларда ниш уриб, оқибат замонамизда ҳар бир кишининг бедахл мулки бўлган эркинлик туйғуси хира тортиб, ўтмас бўлиб қолганини сезмайдилар. «Ўз эркига қўйиб беришди-да, йўлдан адашди», тарзидаги гапларни эшитсам, дилим оғрийди. «Эрк» — бу қутлуғ сўз. «Менга эрк берилган экан», деб уни суиистеъмол қилиш нонни тепкилагандай қабиҳликдир...

МЕН АНЧА ОЛИСЛАДИМ, гапни узоқдан бошладим. Аслида Улуғ Октябрнинг жуда кўп йўл босган, лекин жуда гўзал, жуда қадрдон фарзанди — эркни қалбимда шундай туйиб турибман. Ундан таралаётган жонбахш туйғу бутун-бутун вужудимни жунбушга келтиради. Танамда кучим ошгандай, кўзим, дилим равшанлашгандай бўлади.

Азизларим! Бундай катта дунёга бергусиз мўътабар байрамимиз билан муборакбод этарканман, шу ҳиссиёт ҳеч бир юракни тарк этмасин, ҳар бир киши қалби мулкининг энг катта, муҳим бойлиги бўлиб қолишини истайман.

УЙҒУН,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони

# ҲАЁТ—ЯНГИЛАНИШЛАР ДЕМАК



Туркистоннинг чекка қишлоқларидан бири, мен таваллуд топган Марки инқилобгача ташқи олам билан шундай боғланганди: бу ерда ҳар йили айни пишиқчилик пайтида бирор хонлик ёки бекликдан сарбозлар пайдо бўлар ва барча нарсаларни шип-шийдам қилиб йиғиштириб кетарди. Уларнинг қораси ўчиши билан Оқ пошшоликдан солиқчилар келишиб одамлардан қолган нарсаларини тортиб олишар, солиқни тўламаганларни эса ё турмага, ё мардикорликка ҳайдардилар. Маркилик деҳқонлар ана шундай қилиб, бошқаларни тўйдиришардию ўзлари оч-яланғоч қолаверардилар. Улар ташқи оламдан келадиган ёмон хабарлардан юрак олдириб қўйишганди.

Бу ҳол 1917 йилгача давом этди. Ўша йили эрта баҳорда қишлоғимизга ташқи оламдан биринчи марта хушхабар етиб келди: «Николай пошшо тахтдан қулабди!» Кейин сал ўтмай ҳуррият деган гаплар тарқалди. «Ленин деган янги пошшо бўлибди, у жуда катта одам эмиш, камбағалларнинг бошини силаётганмиш!»

Инқилобнинг хушхабарини одамлар шундай хуррамлик билан кутиб олишганди. Унинг ўзи эса қишлоғимизга сал кейинроқ Ер тўғрисидаги декрет билан кириб келди. Деҳқонга ер тегди. Бу деҳқон ҳаётида буюк инқилоб эди. Ўшанда баъзиларнинг қувончдан энтикиб йиғлаганини ҳам кўрганман.., Инқилоб ўшанда битта Менинг қишлоғимдагина эмас, деярли ҳамма қишлоқларда шундай бошланганини эндиликда ҳеч кимга сир эмас.

Инқилоб шабадаси менинг тақдиримда ҳам улкан ўзгаришлар ясади. Самарқанд ҳаёти, билим юртидаги сабоқлар онгимни ўстирди. Октябрнинг асосий мазмуни янги турмушни бунёд этишдан иборат эди. Шунинг учун ҳар куни бирор соҳада янгилик бўй кўрсатар, ҳаёт ҳар бир одамдай, ҳатто энг оми кишилардан ҳам жонкуярлик, қайноқ фаолият талаб қиларди. Шу тариқа инқилобнинг ўз қаҳрамонлари, фидойилари пайдо бўлдилар. Уларнинг кўпчилигини ҳамон яхши эслайман....

Бундай буюк яратувчилик пайтида жим туриш мумкин эмас эди. Ўша пайтдаги фикр-ўйларим 1929 йилда нашр этилган «Баҳор севинчлари» илк шеърий тўпламимда ўз ифодасини топган. Бугунги кундан туриб ўша пайтда яратган шеърларимга назар ташлар эканман, улар гарчи юксак талаблар даражасида бўлмаса-да, унда давр руҳи аксини топганлигидан қувонаман. «Ленин» деб номланган кичкина поэмам эса доҳий ҳақидаги бор ҳақиқатни халқимизга етказиш истагидан туғилгандир.

Мендан кўпинча табиат ҳақида, айниқса баҳор ҳақида кўп ёзасиз, деб сўраб қолишади. Назаримда, Ленин ва инқилоб баҳорга менгзайди. Улар ҳам худди баҳор заминда буюк ўзгаришлар ясагани каби инсоният, барча халқлар қалбида янгиланишлар фаслини бошлаб берди. Бу янгиланишлар ҳозиргача давом этмоқда. Демак, инқилоб давом этмоқда.

Булар ҳақида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев улуғ байрамимиз муносабати билан қилган «Октябрь ва қайта қуриш: революция давом этмоқда» докладида мамлакатимизнинг бутун тақдирини ёрқин характерлаб берди.

Бугунги кунда ҳам қайта қуриш орқали революция иши, янгиланишлар давом этмоқда. «Революцион матонат қуролини мукаммал эгаллаб олиш маҳорати ҳозир ҳам ниҳоятда зарурдир. Бундай матонат жойида ўтириш ёки оқимга қараб сузишдан иборат эмас. Бу — вазиятга реалистик баҳо бериш, қийинчиликлар олдида чекинмаслик, ваҳима қилмаслик, муваффақиятлардан ҳам, муваффақиятсизликлардан ҳам ўзини йўқотиб қўймаслик қобилияти— ҳар кун, ҳар соатда қизғин ва собитқадам меҳнат қилиш, ҳамма жойда ва ҳар ишда ҳаётнинг ўзи ўртага қўяётган энг мақбул ечимларни топиб, амалга ошира билиш қобилиятидир», деган эди М. С. Горбачев.

Мен шуларни қайта-қайта ўқир эканман, муборак айём кунларида минглаб эгатларга сочилган пахтакор халқим ҳақида ҳам ўйлайман. Унинг қаҳрамонликлари, шижоатли меҳнати ҳар қандай ҳурматга лойиқ. У оқ олтинни, рисқи-рўзини далада қолдирмайди. Байрам ҳам унинг қалбида меҳнат завқини кучайтиради. Бунга ишончим комил. Лекин мен, айни пайтда, бошқа нарса ҳақида ҳам ўйлаб қоламан. Бугун биз атом асрида яшамоқдамиз, 70 йиллик тараққиёт бизни заминдан фазогача кўтарди. Инсон эндиликда фақат планетамиз тақдиринигина эмас, космос, само тақдири ҳақида ҳам фикр юритадиган бўлиб қолди. Ҳозир фан, минглаб техника инсон хизматида. Бас, шундай экан, биз бундай даврда оддий пахтакор меҳнатини енгиллаштиришда оқсаб қолмаётибмизми? Ахир уларни қишин-ёзин далада қишлатмайдиган, шодиёна байрамларда тўйлатадиган кунларга етказиш учун яна инқилобий янгиланишлар қилиш фурсати етмадимикан?

Олдимизда бундан бошқа қанча проблемалар кўндаланг турибди. Оролни асраш, ерни ардоқлаш, табиатни, экологияни сақлаб қолиш каби қатор-қатор масалалар борки, булар ҳаммадан жонкуярликни талаб қилади.

Мен хаёлан яна она қишлоғимга қайтаман. Унинг инқилоб арафасидаги ва ҳозирги қиёфасини, одамларини кўз олдимга келтирар эканман, муваффақиятларнинг ҳаммаси инқилоб шарофатидан эканлиги учун қайта-қайта шукрона айтаман.

Сулаймон РАҲМОН

# ИНҚИЛОБГА ҚАСИДА

**Мангу тирикликнинг шеваси турғун —**
**замонлар карвонин теваси юрғун:**
**етмиш йил порлабди, инқилоб боис,**
**менинг жон ўзбегим манглайида кун.**

**Инқилоб, биз сени қон бериб олдик,**
**сифат бериб олдик, сон бериб олдик;**
**амирларни бердик, хонларни бердик —**
**ёмонларни бердик, жон бериб олдик.**

**Марксга менгзайди сувратинг сенинг,**
**Ленинга ўхшайди сийратинг сенинг,**
**босдинг ғолибона етмиш чўнг қадам —**
**халқлар уррасидан ғайратинг сенинг.**

**Сен келиб, тангу тор олам кенг бўлди,**
**тил — бурро, кўз — ўткир, қулоқ динг бўлди,**
**оқпошшо зулмидан қадди дол халқим**
**барча тенг ёр-дўстлар ичра тенг бўлди.**

**Инқилоб, сен бизга ҳар онда зарур,**
**зарур бўлганидай ҳар жонга сурур,**
**зарур бўлганидай оламга офтоб,**
**зарур бўлганидай инсонга шуур;**

**Дарахтларга — япроқ, меваларга — тот,**
**булутларга — чақмоқ, чавандозга — от,**
**яланғочга — либос, оч-наҳорга — нон**
**ва зарур бўлгандай қушларга қанот...**

**Байрамсан, бу кун эл, ҳайкал, ҳайкал-да кутар,**
**нажот бўл, Орол-да, Байкал-да кутар,**
**ким — байроқ кўтариб, кимдир — гул ушлаб...**
**менинг жон диёрим пайкалда кутар.**

**Инқилоб, сен — эркнинг асл отисан,**
**ҳар дилнинг энг ёруғ музофотисан,**
**одамнинг одамга нажоти — ўзинг,**
**одамнинг одамга мукофотисан!..**

# БАЙРАМ АСАРЛАРИ

**М. Горький номидаги Тошкент Давлат академик рус драма театри яқинда ўзининг янги мавсумини бошлади. Бу ҳақда театр адабий эмакдоши Наталья ГОЛОВАНОВА жамоатчи мухбиримиз Р. НУЪМОНОВга қуйидагиларни гапириб берди:**

— Театримизнинг янги мавсуми Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг 70 йиллиги нишонланаётган кунлар арафасида очилди. Шунинг учун ҳам мавсумимизни юбилей спектаклимиз — Михаил Шатровнинг «Виждон диктатураси» асари билан бошладик.

Репертуаримиз янги-янги асарлар билан бойиди. Эртага, дам олиш куни Владлен Дозорцевнинг «Нотаниш ҳамроҳ билан нонушта» асари намойиш этилади. Бу ҳам янги асарларимиздан биридир. Унинг премьераси москвалик томошабинлар ҳузурида бўлиб ўтди. Бундан кейинги премьера навбати— режиссёр А. Кузин саҳналаштирган «Фаришталар билан ўйнашманг» музикали асарига.

Ёзги гастроллар давомида театр танқидчилари томонидан репертуаримизда ўзбек драматургларининг замонавий мавзудаги асарлари йўқлиги қайта-қайта таъкидланди. Бу танқиддан хулоса чиқарган ҳолда Жасур Исҳоқов ва Элёр Эшмуҳамедовнинг «Танқиддан холи зона» асари саҳналаштирилмоқда. Унда ҳаётимизда учраб турадиган салбий ҳолатлар танқид остига олинади ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари тадқиқ этилади.

Театримиз планида А. Грибоедовнинг «Ақллилик балоси» ва Эрдманнинг «Ўз жонига қасд қилиш» асарлари бор. Бу асарларни А. Н. Островский номидаги Тошкент Театр ва рассомлик санъати институтида сабоқ олаётган ёш режиссёрлар саҳналаштирадилар. Шу ойнинг иккинчи ярмида юқоридаги институтда таълим олаётган жазоирлик талаба Ҳабиб Бухолиф саҳнага қўйган А. Гельманнинг «Курси» асари томошабинларга тақдим этилади.

Театримиз шу кунларда Кемерово шаҳрида бўлиб ўтадиган совет драматургияси фестивалига қатнашиш учун таклифнома олди. Фестивалга В. Шукшиннинг «Хўроз уч қичқиргунча» асари билан бормоқчимиз.



**Суратда: «Виждон диктатураси» спектаклидан кўриниш.**

**Р. ШАРИПОВ фотоси**

# «ХЕВА ОРДЕНИ»

**Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишлаб Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат академик Катта театрида композитор Рустам Абдуллаевнинг «Хева ордени» опера-хроникаси премьераси бўлиб ўтди. Либретто муаллифлари Э. Самандаров ва Ф. Сафаров. Дирижёр — СССР халқ артисти Д. Абдураҳмонова. Саҳналаштирувчи режиссёр Ўзбекистон ССР халқ артисти Ф. Сафаров, рассом СССР Давлат мукофоти лауреати Г. Брим. Балетмейстер — СССР халқ артисти Галия Измойлова.**

**Асосий ролларни республикада хизмат кўрсатган артистлар Т. Ҳусанов, А. Бозоров, М. Мошаев, А. Самандаров ва бошқалар ижро этяптилар.**

**Операда Улуғ Октябрь Социалистик революцияси йилларида Хева меҳнаткашларининг доҳиймиз В. И. Ленин ҳузурига бориши, ундан революцион кўрсатмалар олиши ва Хоразм халқининг озодлик учун кураши акс эттирилган.**



**Суратда спектаклдан кўриниш**

**С. МАҲКАМОВ фотоси**

## НАЗАРМАТ — 70 ЁШДА



Ҳурматли Назармат Эгамназаров!

Сизни туғилган кунингизга 70 йил тўлиши муносабати билан қутлаймиз.

Сиз бундан роса 70 йил бурун, Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қилган кун Тожикистоннинг Нов қишлоғида камбағал деҳқон оиласида дунёга келдингиз. Самарқанд дорилфунунида таҳсил кўрдингиз.

1941 йил баҳорида Сизнинг биринчи шеърий китобингиз «Ёшлик қувончи» нашр қилинди. Шундан кейин «Яшил далалар», «Сир бўйи», «Нур бўйи», «Тоғдаги гулханлар», «Мангу олов», «Достонлар», «Йўллар ва гуллар» каби тўпламларингиз билан китобхонларни хушнуд этдингиз.

Улуғ Ватан уруши йилларида эса жанг майдонида жасорат кўрсатиб бир қўлда қурол, бир қўлда қалам тутиб она-Ватанимизни ҳимоя этдингиз. Ўша йиллар жанг қилган қаҳрамонлар ҳақидаги «Қирғоқдаги жанг», «Бургут йўли», «Оловли тонг» каби китобларингиз дунёга келди.

Сиз таржимонлик соҳасида ҳам шарафли ишлар қилдингиз. Бедилнинг «Комде ва Мудан», Жомийнинг «Юсуф ва Зулайҳо», М. Турсунзоданинг «Гангдан Кремлга», Хисрав Деҳлавийнинг «Мажнун ва Лайли», Миршакарнинг «Олтин қишлоқ» ва бошқа асарларни ўзбек тилига ағдариб, қардош халқлар орасидаги дўстлик ва биродарлик ривожига муносиб ҳисса қўшдингиз.

Кўксингизни безаб турган II-даражали Улуғ Ватан уруши, «Қизил Юлдуз» ордени ва медаллар ўзбек совет адабиётини ривожлантиришдаги хизматларингизни натижасидир. Сиз Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқларига ҳам сазовор бўлгансиз.

Қадрли Назармат Эгамназарович! Муборак 70 ёшингиз билан яна бир бор табриклаймиз. Сизга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр тилаймиз.

**ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИ ПРАВЛЕНИЕСИ ПРЕЗИДИУМИ**

